КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 109 (6221).

7 ИЮНЬ ЧОРШАНБА

1978 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

60 ЦЕНТНЕР УЧУН

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қодиров бошлиқ бригада гўзани тўртинчи марта культивация қилишга киришди. Тупроққа органик — минерал аралашмалар солиниб, шу билан бирга гўзаларга ишлов берилмоқда.

Х. Қодиров об-ҳавонинг ноқулай шароитини ҳисобга олган ҳолда экинга ишлов бериш, ўғит солиш ва суғориш графикларини қайта кўриб чиқди. Бригадир деҳқончиларнинг меҳнатини ташкил этишга катта аҳамият берди. 125 гектар майдоннинг ҳаммаси тажрибали механизаторлардан Д. Исаев, Т. Аҳмедов, М. Турсунов, В. Қобуловга бириктирилди. Бу эса қатқалоқ вужудга келган участкаларга дарҳол ҳайдов тракторларини чиқариш имконини берди, механизаторларнинг иш сифати учун масъулиятини оширди.

Ҳар бир туп гўза авайлаб парвариш қилинганлиги туфайли ҳар тупда 7-9 тадан барг, гунчалар пайдо бўлди. Х. Қодиров ва унинг дўстлари кузда гектар бошига 60 центнер «оқ олтин» ҳосили етиштиришга қарор қилдилар.

Пискент.
(ЎзТАГ мухбири).

БУНЁДКОРЛАР

Анатолий Борзенко бошлиқ бригада «Промгражданстрой» трестининг илғор коллективларидан бири ҳисоблакади. Бинокорлар ўнинчи бош йилликнинг зарбдор учинчи йилида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, бригадалараро меҳнат беллашувининг олдинги сафида боришмоқда.

Ҳозирги кунларда бу бригада бунёдкорлари пойтахтимизнинг Ўразаев кўчасида тўққиз қаватли уйни бунёд этишяпти. 2-Қорақамиш массивида 10 минг номерли тўрт қаватли автомат-телефон станциясини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилишмоқда. Бригаданинг Р. Ҳамидуллаев, Ҳ. Мамарасулов, А. Евсеев, Ж. Аулов каби пешқадамлари йиллик топшириқларини 1,5—2 бараварга етказиб адо этмоқдалар.

«Промгражданстрой» трести 2-курилиш-монтаж бошқармасининг бу илғор бригадаси айни кунларда 1978 йилнинг сўнгги квартали ҳисобига меҳнат қиляпти.

А. НОРҚУЛОВ.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

ЯНГИЮЛДАГИ кондитер-ачитқи билашмаси коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигининг учинчи йилида цех ва участкаларда прогрессив технология ва илғор иш усулларини жорий этишга катта аҳамият бермоқда. Бирлашмада квартал ва ойлик план топшириқлари ортиғи билан адо этиляпти. Социалистик мусобақанинг тўғри ташкил этилганлиги ва кенг йўлга қўйилганлиги мана шу муваффақиятларда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлаяпти.

Яқинда бу ерда печенье тайёрлашда фермент препарати қўлланиладиган янги замонавий технология ишга туширилди. Янги технология асосида ишлаш маҳсулот сифатини янада яхшилайди ва поток линия ишлаб чиқариш қувватини беш процентга оширади. Янги технологиянинг тахминий-иқтисодий тежами йилига 25 минг сўмдир.

Р. КОСТИЧЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШИ

ҲАРИР ёз фаслининг дилрабо дамлари. Корхоналарда, қурилиш участкаларида, колхоз ва совхозларда, ферма ва ялповларда меҳнат қилаётган кўпгина кишиларни шу кунларда ажиб бир ҳис оғушида учратиш мумкин. Улар навбатдаги меҳнат отпускаларини сермазмун ва мароқли ўтказиш устида ўйламоқдалар. Курортлар, санаторийлар, профилакторийлар, дам олиш уйлари, туристик базалар ва бошқа оромгоҳлар меҳмонларга мунтазир. Зотан, меҳнаткашларнинг яхши дам олишини намунали ташкил этиш уларнинг бевосита бурчидир.

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳар бир граждаининг дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида уқтирилган ҳамда бу ҳуқуқ ишчи ва хизматчилар учун маданий-оқартув ва соғломлаштириш муассасалари шоҳобчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, физкультурани ва туризмни ривожлантириш билан таъминланади, деб таъкидланган. КПСС XXV съезди, партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қатор қарорларида меҳнаткашларнинг дам олиши масалаларига оид қатор муҳим вазифалар қўйилган. Шунга асосан давлатимиз ва касаба союз ташкилотлари ҳар йили ана шу саҳоватли ишга жуда катта моддий ва молиявий маблағлар ажратмоқдалар.

«Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун!» Социалистик жамиятимизнинг бу олижаноб шиорига амал қилиб келаётган жойлардаги партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг дам олишини уюштириш ишига умумдавлат, умумхалқ аҳамиятга молик иш, деб қарамоқдалар. Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва областимиз партия комитети бирмунча ҳайрли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳада қилинган ишлар вақти-вақти билан тегишли комиссияларда таҳлил этилмоқда.

Бу йил областимизнинг 100 мингдан зиёд ишчи-хизматчилари касаба союзларига қарашли шифо даргоҳларига имтиёзли йўлланмалар оладилар. 60 мингга яқин киши дам олиш уйларида, деярли 20 минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда профилакторийларда ҳордиқ чиқарадилар ва саломатликларини яхшилайдилар. Туристик базалари, хушманзарали жойларда шанба ва якшанба кунлари бўлувчи сайёҳларнинг эса сон-саноғи йўқ.

Қатор дам олиш масканлари бу йилги мавсумга дурустгина тайёргарлик кўрдилар. Областимиздаги «Чинобод», «Ботаника», «Кумушкон», «Сўқоқ», «Оқтош», «Луначарский», «8-Март» сингари санаторий ва дам олиш уйларида янги қурилмалар ишга туширилди, ўринлар сони оширилди, атрофмуҳит ободонлаштирилди. Иқлимий павильонлар, болалар билан дам олишга мослаштирилган корпуслар, кичкинтойлар учун мўлжалланган аттракционлар, даволаш самарасини оширувчи янги-янги кабинетларнинг ишга туширилиши, албатта, қувончли ҳолдир. Дам олиш жойларида ётоқхоналарнинг қулайлиги, озиқ-овқат билан таъминлашнинг прогрессив усулларини қўллаш кўнгилдагидек натижалар бермоқда.

Меҳнаткашларнинг шанба ва якшанба кунги дам олишларини уюштиришда пойтахтимиздаги саёҳат ва экскурсия бюроси билан Тошкент темир йўли бўлинмаси яхши иш қилмоқда. Ҳар икки дам олиш куни эрталаб соат 8.20 да Тянь-Шань тоғлари бағрига «Саломатлик» поезди жўнайди. Унинг пассажирлари мшчилар, қурувчилар, кончилар, метросозлар, инженер-техник ходимлар, пахтакорлар, студентлар, ўқитувчилар... Улар кун бўйи қадимий ёдгорликларни томоша қиладилар, спортнинг кўнгилочаф турлари билан шуғулланадилар, Чорвоқ денгизида мазза қилиб чўмиладилар, соф ҳавода миқиллаб юрадилар.

Иш жойларида, қизил бурчакларда, клубларда, маданият саройларида қисқа муддатли дам олишни ташкил этиш ҳам эътиборга лойиқ масаладир. Тушлик пайтларида, ишдан бўш вақтларда актив дам олиш, шубҳасиз, саломатликка ёқимли таъсир ўтказади, кишн руҳини кўтаради.

Областимизда 132 клуб, 2520 қизил бурчак ишлаб турипти. Чирчиқдаги химиклар маданият саройида ишдан бўш вақтдаги дам олишга алоҳида эътибор берилади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 50 та бадиий тўгаракда 1480 дан зиёд ишчи-хизматчи ҳам дам олади, ҳам бадиий завқ олади. В. П. Чкалов номли авиа ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент кабель заводи, «Қизил Ўзбекистон», «Политотдел» колхозлари, «Оққурғон», «Огонёк» совхозларида ҳам ана шундай оммалаштиришга арзигулик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, ҳамма ерда меҳнаткашларнинг ёзги дам олиши намунали ташкил этилган, деб бўлмайди. Ҳали кўпчилик жойларда дам олиш муассасаларининг перспектив лойиҳаларини тайёрлаш, дам олиш зоналари учун ер ажратиш, стадионлардан, спорт майдончаларидан, табиий манзарали жойлардан самарали фойдаланиш, меҳнаткашларни ўз вақтида лозим йўлланмалар билан таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Шаҳардан ташқари истироҳат боғлари, медицина, автомобиль транспорти, савдо, коммунал-маиший ва маданий хизмат, спорт ташкилотларининг ишларида ҳамон камчиликлар учраб турибти. Масалан, Бўстонлиқ районининг «Хўжакент» станциясидаги кичик магазин ва «Чинор» ресторани келаётган минглаб туристларни зарурий нарсалар билан таъминлаш қобилиятига эга эмас. Ангрен тоғлари, Паркент зонаси йўлларида маъдан сувлари топиш амри-маҳол. Бекободдаги туристик базада эса дам олиш инвентарларн етишмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафарида, касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқларида меҳнаткашларнинг дам олиши масалаларига алоҳида эътибор берди. У совет кишиларининг моддий-маиший фаровонлигини юксалтириш, уларнинг саломатлиги, дам олиши, ишдан бўш вақтларидан самарали фойдаланиш масалалари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш лозимлигини яна бир карра уқтириб ўтди.

Меҳнаткашларнинг дам олишига ва саломатлигини яхшилашга тааллуқли мазкур вазифаларни кўнгилдагидек адо этиш учун жойлардаги партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотлари ўз фаолиятларини тагин ҳам кучайтиришлари лозим. Дам олиш муассасалари ва шифохоналар ўртасида социалистик мусобақани чинакам ривожлантириш айни муддао бўлур эди.

«Ёз дамн — йил ҳамдамн», «Чиниққанга чанг юқмас» дейдн халқимиз. Яхши дам олган одамларнинг соғлом ва бардам бўлишлари табиий. Уз навбатида улар коммунистик мўлкўлчилик яратиш ишида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлайдилар, чарчаш нималигини билмайдилар. Эл соғлиғи — юрт бойлиги эканлигини унутмайлик. Меҳнаткашларнинг ҳар томонлама яйраб дам олишларини ташкил этиш учун барча чора-тадбирларни кўрайлик.

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

Яқинда Тошкентдаги 6-таксомотор паркига Украина ССР автомобиль транспорти министрлиги «Авторемонт» бирлашмасининг бош инженери М. М. Клюпадан хат келди. У ўз хатида парк маъмуриятига мурожаат қилиб, «ГАЗ-24» автомашинаси ғилдираклари дискаларининг тегарчакларини тўғрилаш учун ишлатилаётган мосламанинг иш чизмаларини юборишни илтимос қилган эди. Шундай мослама биринчи марта ана шу таксомотор паркида яратилган ва унинг довруғи бутун мамлакат автомобиль корхоналарига тарқалган эди.

Бу мослама, тўғрироғи станокни автопарк бош механиги В. А. Лейтин ва бош механик бўлимининг слесари С. В. Куликовлар яратишган. У ғилдирак дискаларининг эгилган тегарчакларини тўғрилаш каби сермеҳнат жараённи механизациялаш имконини берди. Янгиликни қўлланиш эса автопаркка ҳар йили 3600 сўм фойда келтиради. Агар ана шу станок тўла қувват билан фойдаланилса, у берадиган самара 53 минг сўмга яқинни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилди.

Паркда ўзининг ижобий изланиши, қимматли рационализаторлик таклифлари ва ихтиролари билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва шу йўл билан кўплаб давлат маблағини тежаб қолишга ёрдам бераётган бундай новаторлар кўп. Улар ҳар йили корхонага минглаб сўм иқтисодий самара кўриш имконини бермоқдалар.

Рационализатор С. Куликов ўзгарувчан узатмалар қутиси шестерняларини қайта тиклаш ҳақида таклиф киритди. Илгари ишлатилган шестерняларни фойдаланмасдан ташлаб юборилар эди. Тиниб-тинчимасининг таклифини жорий қилиш ана шундай нобудгарчиликка барҳам берди. Ҳозир у яратган мослама ёрдамида деярли барча шестерняларни қайтадан тиклаб, иккинчи бор фойдаланилмоқда. Бунинг эвазига бир йилда фақатгина парк коллективи 2600 сўм фойда олмоқда.

Ишлаб чиқариш новаторлари тормознинг ишчи цилиндрларини, улама дисклар, сув помпаларини қайта тиклашяпти. Изланувчиларнинг ташаббуси билан М-21 автомобили мотори гилзасини ГАЗ-24 мотори гилзасига, М-21 автомашинасининг бензин насосини ГАЗ-24 машинаси насосига айлантириш ўзлаштирилди. Буг вулканизация ишларини бажариш учун 50 тонналик прессга электр иситгич ўрнатиш фикри ҳам улардан чиқди. Бу тадбир автопаркда зарур миқдорда сальник, втулка, манжет ва бошқа резинатехника буюмларини тайёрлаш имконини берди. Ўз навбатида ремонт ишлари сурътини тезлаштиришга ҳам ёрдам бермоқда.

Паркнинг ижодкор транспортчилари эришилган ютуқлар билан чегараланмай сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган янги-янги таклифлар устида ижодий изланиш олиб боришяпти.

Л. МАТКАРИМОВА,
П. ИБОТУЛЛИН.
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги, «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженерлари.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

6 май куни Тошкентда меҳнат унумдорлигини ошириш проблемаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши билан илмий-техника жамиятлари республика кенгаши уюштирган бу конференцияда партия ва совет ходимлари, министрликлар ва идораларнинг, корхоналарнинг раҳбарлари, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этдилар.

«Меҳнат унумдорлигини ўстириш — саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили ҳамда КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси З. Я. Лебедева, Бутуниттифоқ социология тадқиқотлари институтининг сектор мудири Н. С. Мансуров ва бошқалар сўзга чиқдилар. Ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида республика саноатида меҳнат унумдорлиги 26 процент кўтарилганлиги қайд этилди. Шу билан бирга ҳали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун ҳамма резервлар ҳам ишга солингани йўқ: ишлаб турган қувватлардан етарли фойдаланилмаяпти, иш вақти кўплаб зое ўтяпти. Меҳнат унумдорлигини янада оширишга доир тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОР КОМСОМОЛ-ЁШЛАР

ОБЛАСТИМИЗ саноат корхоналарининг ўн минглаб ёшлари айни кунларда Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун ҳар қачонгидан ҳам зарбдор ишлашмоқда. Жумладан, Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг комсомол-ёшлари салмоқли муваффақиятларни қўлга киритишяпти. Комсомол ёшлар бригадалари ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада 1-ва 2-декор участкаларида меҳнат қилаётган Т. Жўраева ва Р. Латипов бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишяпти. Улар ойлик план-топшириқларини ҳар ҳафта — ўн кун илгари адо этишмоқда. В. Штопель, И. Масленникова А. Сафарова, М. Асатова каби зарбдорлар смена топшириқларини 130-140 процентга етказиб бажаришмоқда.

Олмалиқ тикув фабрикасида ҳам комсомол-ёшлар эришаётган ютуқлар тилга олса арзигулиқдир.

Фабриканинг барча комсомол аъзолари ВЛКСМ 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилишмоқда. 12 комсомол аъзоси эса СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик шахсий топшириқни бажариш мажбуриятини олди. Фабрика комсомол комитетининг аъзоси Вера Безрукова эса бу муддатгача беш йилликнинг 3,5 йиллик шахсий топшириғини бажаришга аҳд қилди.

Чирчиқ шаҳри комсомоллари мамлакатимизнинг барча комсомол-ёшлари қаторн ВЛКСМ Марказий Комитетининг Олимпия комплекси қурилишида иштирок этиш тўғрисидаги чақириғига «лаббай» деб жавоб бердилар. Айни кунларда «Моссантехстрой» трестида 44 чирчиқлик йигит ва қизлар зарбдор меҳнат қилишмоқда. Улар Олимпия комплексининг йирик объектларини қуришда иштирок этяптилар. Олимпиада матбуот маркази ва осмонўпар меҳмонхона шулар жумласидандир. Л. Серошганова, В. Жемилов, Т. Саримсоқов, Н. Хубатулина, Э. Ленц, В. Ли каби комсомоллар айниқса самарали ишлашяпти.

С. ВАЛИЕВ.



Ҳар гектар майдондан пландаги 36 центнер ўрнига 55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашаётган Ғалаба район идаги Свердлов номли колхознинг Наби Ўринбоев бошлиқ бригадаси пахтакорлари ғўза қатор оралларига ишлов беришни қизитиб юборганлар. Бу ишда механизатор Маҳмуд Ўринбоев жонбозлик кўрсатмоқда. Суратларда: ота-бола Наби ва Маҳмуд Ўринбоевлар; ғўза қатор оралларига ишлов бериш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.



НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ЖАНГОВАР БУРЧИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози халқ контроли группаси ғўза парваришини кучайтириш ва 1978 йилда пахтадан мўл ҳосил олишда колхоз правлениеси ва партия ташкилотига амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди.

Колхоз пахтакорлари баҳорги табиий қийинчиликларни мардонавор туриб енгиб, экиш кампаниясини зўр уюшқоқлик билан пухтадилар. Бир текис унниб чиққан ғўзаларга комплекс ишлов бериш сифатли ташкил этилмоқда. Колхознинг барча бригадаларида унниб чиққан ғўзаларнинг қалинлиги кўздан кечирилди ва акт билан бригадирлар, механизаторлар ва суғучиларга топширилди. Ҳозир пахтакорлар ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни алоҳида эътибор билан парвариш қилмоқдалар, мўл ва эрта ҳосил етиштиришга курашмоқдалар.

Мўл ҳосил учун курашда колхоз халқ контроли группаси ҳам актив иштирок этмоқда. Барча бригадаларда халқ контроли постлари тузишга қарор қилинди. Пост аъзолари билан мутахассислар бригаликда ғўзанинг ривожланишини кўздан кечириб борадилар, агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш устида қайғурадилар. Сувдан, меҳнат ресурсларн ва техникадан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан рационал фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Бошқа ҳил қишлоқ хўжалик ишлари цикличини бажариш устидан ҳам доимий назорат ўрнатилади.

Тошкент область халқ контроли комитети Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози халқ контроли группаси белгилаган тадбирларни маъқуллади. Район халқ контроли комитетларига колхоз ва совхоз халқ контроли группалари ва постлари ўртасида бу тадбирни атрофлича муҳокама қилиш ва ғўза парваришини кўчайтириш ҳамда 1978 йилда пахтадан мўл ҳосил олишга кўмаклашувчи шундай тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

ВАТАН МУКОФОТИ — КОСТРОМА БАЙРОҒИДА

КОСТРОМА, 5 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун бу ерда КПСС шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар советининг меҳнаткашлар вакиллари билан биргаликда Костромага Октябрь Революцияси ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Самимий кутиб олингач КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади. У мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневдан костромаликларга қизғин қутловлар ва энг самимий тилаклар топширди.

Ватанимиз олий мукофоти, деди А. Н. Косигин, — костромаликларнинг — коммунистлар ва партиясизларнинг, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, маиший хизмат, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият ҳодимларининг фидокорона меҳнати учун ватаннинг миннатдорчилиги тимсолидир. Бу мукофотда шаҳар меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган катта муваффақиятлари, уларнинг революцион ҳаракатдаги хизматлари учун партия ва ҳукуматнинг, бутун совет халқининг таҳсини ифодаланган.

Урушдан кейинги даврда Кострома партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами туфайли саноати, фани ва маданияти юксак даражада ривожланган катта замонавий шаҳарга айланди. Шу давр ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5,6 баравар ортиб, эндиликда бир миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Эришилган муваффақиятлар — область ва шаҳар партия ташкилотлари, халқ депутатлари совети ўтказаётган катта ташкилотчилик ва партиявий-сиёсий ишнинг натижасидир.

Бундан буён ҳам одамларимизни қатъиятли, мустақил фикрли, билимдон, янгиликни дарҳол сезиб оладиган, ташаббусни ўз вақтида пайқаб, қўллаб-қувватлай оладиган қилиб тарбиялашни кучайтириш муҳимдир. Леонид Ильич Брежневнинг «Тикланиш» китобида уқтириб ўтилганидек, бу фазилатлар ҳозир бизга ҳамма нарсадан ҳам зарурдир.

(Давоми 2-бетда).

ДОИМИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

ХАЛҚ УЧУН ТОВАРЛАР: ЭҲТИЁЖ ВА ТАКЛИФЛАР

Совет Ўзбекистони «оқ олтин» ўлкаси, мамлакатнинг асосий пахта базаси сифатида шуҳрат қозонган. Унинг қудратли индустрияси шуҳрати ҳам оз эмас. Нефть, газ, пўлат, пахтакорлар ва тўқимачилар учун машиналар, тракторлар, самолётлар, газламалар, пойафзал, қоракўл, заргарлик буюмлари... Юздан ортиқ саноат тармоғининг 1300 дан зиёд корхоналари қазиб олаётган, қайта ишлаётган ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларни санаб тугатиш қийин. Фақат ҳозирги беш йилликнинг дастлабки икки йилида республика ишчилар синфи планга қўшимча 772 миллион сўмлик турли маҳсулот ишлаб чиқарди, шундан 150 миллион сўмлиги халқ истеъмол моллариди. 1977 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришгани учун Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланди.

Ҳозирги кунда барча совет кишилари каби, республика меҳнаткашларининг бутун фикри ойкри ва кучгайрати КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган. Маълумки, съезд қарорларида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга, уларнинг хилини кўпайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати КПСС съездининг бу муҳим кўрсатмасини бажаришга доимий эътибор бериб, эҳтиёж катта бўлган товарларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тармоқларни тезкорлик билан, айтиш мумкинки, оммавий ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг комплекс программасини ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Бу программада «В» группаси бирлашмалари ва корхоналарнинг план топшириқлари энг минимал миқдор деб ҳисобланиши кераклиги кўрсатилган.

Умуман ўниичи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни пландаги 36 процент ўрнига 39 процент кўпайтиришни белгилаган бўлсак, шу вақт ичида халқ истеъмол товарлари 47.6 процент ўрнига 50,3 процент кўпайтирилади. Талаб жуда катта бўлган шоҳи газлама, ип-газлама, трикотаж ва миллий бадиий буюмларнинг кўп турлари, хўжалик-рўзғор моллари ишлаб чиқаришни алоҳида назорат остига олганмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси саноатнинг тўқимачилик тармоқлари ишини яхшилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва шу йилнинг ўзидаёқ қувватлардан фойдаланиш даражасини оширишни белгилади. Бу эса газлама ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш имконини беради. Ип газлама, шойи газлама ҳамда нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бўйича республикамиз мамлакатда учинчи ўринда туришини ҳисобга оладиган бўлсак, қўшимча равишда тайёрланадиган газлама миқдори анча салмоқли бўлади.

Партиянинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан қурилиш- монтаж ва саноат корхоналарининг илғор коллективлари қурилишнинг пландаги муддатларини қисқартириш, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштиришни мумкин қадар тезлаштириш ташаббуси билан чиқдилар ва бу ташаббусни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Икки йил ичида 45 та янги саноат объекти ишга туширилди, ишлаб турган кўпгина корхоналар реконструкция қилинди ва техника билан қайта қуроллантирилди. Ўтган йилнинг ўзидагина Бухоро ип газлама комбинатида калава бўяш бўйича қувватлар, Қувасой чинни заводи, Хива гилам комбинатининг биринчи навбати, Урганчдаги ёғ-экстракция заводи, Ангрен, Нукус ва Андижондаги сут заводлари, иккита пахта тозалаш заводи, бошқа объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Қурилишнинг боришини, материаллар ускуналарнинг етказиб берилишини, Марказий Комитет, область шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида тузилган ишга туширадиган объектлар штаблари контроль қилиб борадилар. Юқори сифатли буюмларни ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтираётган етакчи корхоналар орасида Наманган шойи комбинати, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, Тошкент чинни заводи, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро зардўзлик фабрикасини кўрсатиб ўтиши керак.

Республикада халқ истеъмол товарлари сифатини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Сўнгги йилларда бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ёки секретариати мажлисларида маълум даражада қайта-қайта кўриб чиқилди. Кўрилган чоралар натижасида ўтган йилнинг ўзидагина Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган товарлар бир ярим баравар, шу йилнинг бошидан буён эса яна 321 тага кўпайди. Ҳозирги кунда республикада фахрли белги билан 1521 хил саноат буюмлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, шундан 1260 хили халқ истеъмол товарларидир.

Бу йил ишлаб чиқаришга 1645 та янги моделларни, (ўтган йилдагидан 145 та кўп) жорий этиш, тикувчилик буюмларининг 66 процентини, чарм пойафзалнинг 64 процентини, трикотажнинг ва чинни идишларнинг 44 процентини, газлама гулининг 41 процентини ўзгартириш кўзда тутилган. Саноатнинг умумий ўсиши 8 процентни ташкил этгани ҳолда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 10 процентни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, текширишлар шуни кўрсатдики, ҳамма имкониятлардан фойдаланилаётгани йўқ.

Ип газлама, озиқ-овқат, маҳаллий саноат қувватларидан тўла фойдаланилмаяпти. Бир қанча корхоналарда технологик ускуналарнинг сменалик иши коэффициенти жуда паст, янги ишга туширилаётган объектлар малакали ишчилар билан ўз вақтида таъмин этиламаётир, корхоналарга зарур хом ашёни етказиб беришда узилиш тез-тез содир бўляпти, иш вақтининг бекор кетиши, ускуналарнинг бекор туриб қолиши ҳоллари ҳамон кўп учраяпти. Бунинг оқибатида беш йилликнинг икки йилида анча миқдордаги ип ва ипак газлама, чарм пойафзал, холодильниклар, ўсимлик мойи, мева ва сабзавот консервалари, бошқа маҳсулотлар кам олинди.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, биз республика министрликлари ва идоралари, иттифоққа бўйсунувчи айрим корхоналар план ва давлат интизомига сўзсиз риоя этишларига эришиш учун ҳали кўп иш қилишимиз, мавжуд барча резервларни очиб ташлаш ва фойдаланишда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу гаплар аввало ҳамон эскичасига иш олиб бориб, буюртмачилар манфаатларини менсимай, нима бўлса ҳам планни бажаришга интилаётганларга тааллуқлидир.

Шу билан бир қаторда кўпгина проблемалар ҳам борки, уларни ҳал этиш кўп жиҳатдан республика имкониятларига боғлиқ эмас. Бир нечта фактни мисол келтирамиз. 1976 йилда ишга туширилган Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ўзлаштирди, лекин хом ашё етишмаганлиги сабабли бу қувватларнинг ярми бекор турибди. Худди шу сабабли ўтган йили ишга туширилган Олмалиқ тафтинг гиламлар фабрикасида чет элдан келтирилган қиммат баҳо ускуналарнинг 28 процентидан фойдаланилмаяпти.

Бу масалалар тегишли иттифоқ министрликлари ва идоралари олдига қўйилди. Лекин, афсуски, улар ҳали ҳам ҳал этилгани йўқ. Айниқса нокомплекс қурилишдан келаётган зарар сезиларли бўлмоқда. Бу эса маблағ билан таъминлашга боғлиқдир.

Бошқа яна бир муҳим проблема — кадрлар тайёрлаш масаласи. Тажриба шуни кўрсатадики, етакчи касбдаги ишчиларни тайёрлаш учун бир-икки йил вақт кетади. Бизнинг министрликларимиз ва идораларимиз ана шуни ҳисобга олиб, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ишга туширилаётган ва қурилаётган корхоналари учун олий ўқув юртларида, техникумларда ва ҳунар-техника билим юртларида, турдош корхоналарда ишчиларни олдиндан тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Шу сабабли Қувасой чинни заводи ва Хива гилам комбинатини малакали ишчилар билан таъминлаш учун планда кўзда тутилганидан икки-уч баравар кўпроқ маблағ сарфлаб бўлса ҳам бу корхоналарни малакали ишчилар билан дастлабки кундаёқ тўла таъминлашга эришилди. Кадрлар тайёрлашда пулни тежаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Чунки бу сарф ҳаражатлар корхона ишга туширилгандан сўнг дастлабки йиллардаёқ тез қопланиб, кўплаб фойда беради. Ҳозир Тошкент тўқимачилик комбинатида Андижонда қурилаётган ип-газлама комбинати учун 400 га яқин ёш ишчи ўқитилмоқда ва малакаси оширилмоқда. Биз бундан кейин ҳам ана шу йўлдан бораверамиз, тегишли иттифоқ министрликлари ва идоралари бизни бу соҳада актив қўллаб-қувватлайдилар деб умид қиламиз.

Корхоналар коллективлари халқ истеъмол товарлари сифатини яхшилашга қаратилган ўз ишларида ҳам иттифоқ министрликлари ва идораларининг эътибори ва ёрдамига умид қилмоқдалар. Биринчи навбатда ип газлама сифатини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Ип газламанинг кўпгина турлари етишмаётганлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Биз пахтадан ҳар йили мўл ҳосил олаётган бир шароитда ип газлама етишмаётир. Бунинг асосий сабаби ҳам маълум. Гап шундаки, пахтанинг даладан магазинга етиб борадиган йўлида бир неча суст бўғинлар бор. Улардан энг муҳими — пахтани сақлаш ва қайта ишлашдир.

Пахта тозалаш корхоналарининг маҳсулоти республика бутун саноати маҳсулотининг деярли тўртдан бир қисмини ташкил этади. Сўнгги етти йил ичида КПСС Марказий Комитети ва мамлакатимиз ҳукуматининг жуда катта ёрдами туфайли бу муҳим тармоқ тез ривожланди. Ўнлаб янги пахта тозалаш заводлари, қабул қилиш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ва пахта сақланадиган омборлар қурилди ва ишга туширилди. Ишлаб турган баъзи корхоналар техника билан қайта ускуналанди. Бунинг натижасида республика пахта тозалаш саноати ишчиларни анча яхшилаб олдилар.

Бироқ, пахта етиштиришнинг ҳозирги юксак суръати ва ҳажми, айниқса машина терими суръати ва ҳажми пахта тозалаш саноатининг, энг муҳими — унинг тайёрлаш тармоқларининг ривожланишидан ўзиб кетмоқда, деб очиғини айтишимиз керак. Қуритиш-тозалаш цехлари йиғим-терим кунларида бир кунда тайёрланаётган пахтани шу куни қайта ишлашга қодир эмас.

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасининг ишлаб чиқариш базаси пахта тозалаш саноатининг технологик ускуналар ва запас қисмларга ошган эҳтиёжини қоидиришга қодир бўлмай қолди. Янги машиналар ва механизмлар ишлаб чиқариш суст-кашлик билан ўзлаштирилмоқда.

Ҳозир биз беш йилликнинг қоқ ўртасида турибмиз. Лекин бу календарь кунлари маъносида эмас. Шонли ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан 300 киши — республикада машҳур бўлган ташаббусларни бошлаб берган кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ беш йиллик топшириқ бажарилганлигини маълум қилдилар. Уларнинг орасида Самарқанд бадиий гилам фабрикаси тўқувчиси Зеби Олимжонова, Андижон трикотаж фабрикаси бўёқчиси Турсунали Холматов, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг ишчиси Анна Мельник, тошкентлик кўп станокчи-тўқувчи Нина Ершовалар бор. Ҳозир уларнинг ўн минглаб издошлари мавжуд.

Партия ташкилотлари беш йиллик илғорларининг тажрибасини ўз вақтида қўллаб қувватлаб ва оммалаштириб, республикада битта ҳам қолоқ корхона бўлмаслигига ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Янгийўл шаҳри меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллади. Шаҳарда асосан енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари жойлашган бўлиб, анча вақтдан буён бу ерда қолоқ коллективлар у ёқда турсин, ҳатто битта ҳам қолоқ ишчи йўқ.

Республика меҳнаткашлари эришилган ютуқларга таянib, 1978 йилда топшириққа қўшимча равишда 100 миллион сўмликдан зиёдроқ кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўзда тутганлар.

Бу — катта ва масъулиятли вазифадир. Республика саноати меҳнаткашлари бу вазифани шараф билан бажариш учун ҳамма ишни қиладилар. Улар тўрт ой ичидаёқ планга қўшимча равишда 40 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Л. ГРЕКОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари.
(«Социалистическая индустрия» газетасининг 6 июнь сонидан).

Дунё овози
чет эл хабарлари

ХЕЛЬСИНКИДА УЧРАШУВ

ХЕЛЬСИНКИ, 5 июнь. (ТАСС). Финляндия республикасининг президенти У. К. Кекконен Финляндия Компартиясининг XVIII съезди ишида қатнашган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети, Снёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романовни бугун қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда СССРнинг Финляндиядаги элчиси В. С. Степанов иштирок этди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БАҒДОД. Ироқнинг Таъмим ва Салоҳиддин вилоятларида иккита янги кооператив хўжалиги барпо этилди. Дала меҳнаткашлари 43 минг донум (1 донум 0.25 гектарга баравар) майдондаги экинларга ишлов бердилар.

Кооперативчилик ҳаракати бошланган пайтдан бери мамлакатда Ироқ Фаллоҳлари орасида 1900 га яқин қишлоқ хўжалик кооперативи тузилган.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон шаҳар ва қишлоқ уй-жой қурилиши давлат корпорацияси бешта янги лойиҳани амалга оширишга киришди. Бу лойиҳаларга мувофиқ Андхра-Прадеш Орисса, Ражастон штатларида, Деҳли ва Чандигарх иттифоқ территорияларида паст даромадли аҳоли учун 3000 та уй-жой қурила бошлади. Ҳукумат шу мақсадларга 90 миллион рупия ажратди. Аммо Ҳиндистон матбуотининг таъкидлашича, шу программанинг биргина ўзи миллион-миллион кишилар бошпанасиз бўлган Ҳиндистондаги энг ўткир социал проблемани ҳал эта олмайди.

(ТАСС).

ВСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОТАСИ

ХАНОЙ, 5 июнь. (ТАСС). Вьетнам ахборот агентлиги хабар беради: Вьетнам Социалистик Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Хоанг Бить Шон бугун ХХРнинг ВСРдаги элчисини қабул қилди ва унга ташқи ишлар министрлигининг нотасини топширди. Бу нотада Хитой томонининг Вьетнам гўё «Хитой миллатига мансуб бўлган ва Вьтнамда яшаётган шахсларни таъқиб этмоқда ва мамлакатдан чиқариб юборилмоқда» деган туҳматдан иборат даъволари рад этилади.

ВСР Ташқи ишлар министрлиги ўз нотасида Хитой ҳукуматининг Вьетнамда яшовчи Хитой миллатига мансуб шахсларни олиб чиқиб кетиш учун ўз кемаларини Вьетнам портларига юбориш тўғрисидаги таклифига тўхталиб, ВСР ҳукумати ҳозирги Вьетнам қонунлари ва қоидаларига мувофиқ процедуралар бажарилганидан кейин Хитой кемаларининг Вьетнам томонидан кўрсатилган портларга келиб, Вьетнамда истиқомат қилаётган ва ВСРдан Хитойга жўнаб кетишни истаётган хитойларни олиб кетишига рухсат бериш ҳақидаги қарорини Хитойга маълум қилади.

Нотада айтилишича, Хитойнинг биринчи кемалари 20 июнда Вьетнам портларига кириш ҳақида рухсатнома оладилар.



Англиянинг илғор жамоатчилиги Британия оролларида ирқчиларнинг ҳужумларига қарши норозиликни тобора кучайтирмоқда. Суратда: Лондон шаҳрида ирқчилик ва янги фашизмга қарши намойиш бўлиб ўтди.

А. Шальнев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЯНА ОҚ ТАНЛИ ЁЛЛАНМА АСКАРЛАР

ПАРИЖ. (ТАСС). Франция ташқи ҳужжат ва контрразведка маҳкамаси Комор оролларидаги давлат тўнтаришини ташкил этишда актив қатнашди. деб ёзади «Франс Нувель» ҳафтномаси. 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Моронидаги президент саройига жуда яқин жойга туширилган қуролли ёлланма аскарлар отрядига Конго (ҳозирги Заир) мустақилликка эришгандан кейин орадан сал вақт ўтар-ўтмас шу мамлакатда бошланган қонли ёвузликлари билан машъум ном чиқарган Боб Денар бошчилик қилди.

Ҳозир Боб Денар давлат тўнтаришидан кейин ҳокимият тепасига келган ҳарбий-сиёсий директория составига киради ва Франс Пресс агентлигининг хабарига қараганда, Комор оролларидаги янги давлат тузилиши масалаларида кенг ваколатлар олган. Унинг отряди аъзолари автоматлар билан қуролланиб олиб, давлат пойтахти Морони кўчаларида тўла ҳўжайин бўлиб юришибди.

Комор оролларининг собиқ президенти Али Суалих қамоқда ётган пайтида «қочишга ҳаракат қилди» деб яқинда ўлдиришди. Унинг тарафдорлари «жавобгарликка тортилади», деди янги ҳукуматнинг ички ишлар министри Аббос Юсуф.

Комор оролларини Африка қитъаси билан Мадагаскар ўртасидаги муҳим стратегик мавқега эга бўлганидан, Али Суалих режимининг ағдариб ташланганлигини ҳеч ким сезмай ҳам қолган бўлар эди, деб ўқтиради «Жен Африк» журнали. Франция ва бошқа Ғарб давлатлари бу ёш давлатга жуда қизиқиш билан қараётганлигининг боиси ҳам шу. Франция Ташқи ишлар министрлиги Моронида тўнтариш тайёрланаётганлигидан хабардор эди, деб таъкидлайди журнал.

ВАТАН МУКОФОТИ — КОСТРОМА БАЙРОҒИДА

(Боши 1-бетда).

Бутун совет халқи, деди сўзини давом эттириб А. Н. Косигин, партия XXV съездининг, Марказий Комитет 1977 йил декабрь Пленумининг тарихий қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг партия Марказий Комитети пленумида, комсомолнинг XVIII съездида ҳамда Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафари вақтида сўзлаган нуқтларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, Совет ҳукумати фаолиятидаги энг муҳим хусусиятдир. Илғариги Конституция қабул қилинган 1936 йилга нисбатан 1977 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад 5,7 баравар кўпайди. Аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан олган тўловлари ва имтиёзлари 3,3 миллиард сўмликдан 99.5 миллиард сўмликка етди. Ҳозир мамлакатда 1936 йилга нисбатан қарийб 7,5 баравар кўп уй-жой қурилмоқда.

Одамларнинг маънавий ҳаёти анча бой ва хилма-хил бўлиб қолди.

Чуқур коллективизм туйғуси — янги жамият кишисининг ўзига хос асосий фазилатидир. Синфий ва ғоявий душманларимиз капитализмнинг сарқитларидан ва тугма иллатларидан совет кишисининг маънавий ҳалос бўлишидан жуда қўрқаётганликлари бежиз эмас.

Социалистик ижтимоий тузум, Совет ҳокимияти халқ ҳаётини тубдан ўзгартириб, унинг маънавий дунёсини бойитибгина қолмай, шу билан бирга унга ҳар қандай эксплуататорлик тузуми шароитида эришиб бўлмайдиган буюк неъматни — эртанги кунга, ўз келажагига, ўз фарзандларининг келажагига ишончни ҳам бахш этди. Халқимиз уқувватли истиқболсизлик, ортиқча киши бўлиб қолишдан қўрқиш туйғуси нималигини билмайди, капитализм дунёсида эса бу туйғулар мактаб курсисиданоқ одамларни даҳшатга сола бошлайди. Бизнинг халқимиз ишсизлик нималигини, одамларни бирлаштирадиган ҳамда уларнинг меҳнати ва турмушини чуқур маънога тўлдирадиган буюк мақсадсиз меҳнат қилиш ва яшаш нималигини билмайди.

Шуларнинг ҳаммаси илоҳий туҳфа эмас, балки зўр бериб қилинган меҳнат натижасида эришилган, социализм душманларига қарши оғир курашда қўлга киритилган неъматлардир. Буларнинг ҳаммаси омманинг онгига, урф-одатига, кундалик турмуш-турмушига сингиб кетган, синганда ҳам мустаҳкам ва абадий сингиб кетган. Аммо ҳали турмушимиздаги ҳамма нарсалар ҳам кўнгилдагидек даражага етказилди, деб бўлмайди. Одамларнинг турмушини ташкил этишда ҳам, савлосотиқда ҳам бир талай камчиликлар бор, гарчи биз йил сайин тобора кўп ва авваллигидан ҳар жиҳатдан яхшироқ кураётган ва ишлаб чиқараётган бўлсак ҳам уйжой ҳали етишмаяпти. Биз ўз камчиликларимизни биламиз, буларни бартараф этишга интиляпмиз ва бартараф этаяпмиз. Партия бундан буён ҳам халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтиришни таъминлайверади. Партия ана шу муҳим вазифаларни ҳал қилишнинг аниқ истиқболларига эга.

Кейинги йилларда партия қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини юксалтиришга, бу тармоқни муттасил ривожлантириш ҳамда шу асосда аҳолиниг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш учун шароит яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги етти йилнинг ўзида 1971 йилдан 1977 йилгача қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга (ишларнинг бутун комплекси бўйича) икки юз миллиард сўмга яқин, яъни Совет ҳокимиятининг ҳамма йилларига нисбатан кўпроқ миқдорда капитал маблағ сарфланди.

1961 — 1965 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш йилига ўрта ҳисобда 82,8 миллиард сўм бўлган эди, 1976—1977 йилларда 121.8 миллиард сўмликка етди.

Кўп иш қилинди, бироқ мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги, айниқса чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжлари ҳамон тўла-тўкис қондирилмаяпти. Шу сабабли партия бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш, қишлоқда чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш йўлини қатъият ва собитқадамлик билан ўтказаверади. РСФСРнинг ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Сизларнинг областингиз ҳам шу зона территориясида жойлашган.

Ўзларингизга маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўсиб ўрим-йиғимни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва озуқа тайёрлашни таъминлаш ҳамда чорва моллар қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида яқинда қарор қабул қилдилар. Вазифа шундан иборатки, колхоз ва совхозлар, барча қишлоқ хўжалик органларимиз ҳосил ўрим-йиғимига уюшқоқлик билан тайёргарлик кўриб, уни ўз вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олишлари, улар давлат шу мақсадлар учун қўшимча равишда ажратиб бераётган жуда катта моддий ресурслардан мумкин қадар кўпроқ самарадорлик билан фойдаланишлари керак.

Капитал қурилишни янада яхшилаш, саноат корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқа социал-маданий объектларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш жуда муҳим ишдир.

Булар — янги масалалар эмас, улар КПСС XXV съездида ҳам, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида ҳам кўтариб чиқилган эди. Бироқ бу масалалар ҳозирча суст ҳал этилаётганлиги сабабли улар ҳақида яна гапиришга тўғри келмоқда.

Партия, совет ва хўжалик органлари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида интизомга риоя қилиниши устидан контроллиқни кучайтиришлари, планларни бажариш соҳасидаги ишда юксак уюшқоқликка қўят билан эришишлари лозим.

Мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиёт йўлида вужудга келадиган тобора масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун барча зарур имкониятларга эга. Совет халқи эса айни иқтисодий ва социал тараққиёт йўлидан бормоқда. Бизда бой ва хилма-хил табиий ресурслар бор, юксак даражада ривожланган иқтисодий потенциал вужудга келтирилган, ажойиб кадрлар ўсиб етишган, илғор ижтимоий тузумимиз бор, халқ билан Ленин партиясининг бузилмас бирлиги бор.

Сўнгра ўртоқ А. Н. Косигин халқаро аҳволга қисқача тўхталди. Бизнинг социалистик давлатимиз ўзининг ленинча ташқи сиёсати орқали халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт ишини қарор топтирмоқда, деди у.

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларимиз масалаларига жуда муҳим аҳамият бермоқдалар. Социализм мамлакатлари ҳар томонлама алоқаларининг мустаҳкамлиги ва самарадорлиги Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Чехословакияга қилган визити вақтида ўзининг янги ёрқин ифодасини топди.

Бу визитнинг ажойиб якунлари шуни кўрсатиб турибдики, қардош мамлакатларнинг дўстлиги, ҳамкорлиги ва бирдамлиги, уларнинг социалистик интернационализм принципларига садоқати бутун халқаро вазиятга тобора кўпроқ чуқур ва хайрли таъсир ўтказаётган жуда катта кучга эга бўлган сиёсий омил бўлиб қолди.

Бизнинг халқаро ишлардаги сиёсатимиз Леонид Ильич Брежневнинг нутқларида чуқур баён этиб берилган. У ташқи сиёсатимизнинг ҳам узоқ муддатли, ҳам яқин келажакдаги мақсадларини синфий позицияларда туриб асослади, партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ўзларининг ташқи сиёсий йўлини қайси воситалар билан амалга ошираётганликларини кўрсатди. Бошқа халқлардан ҳеч нарсани яширмаймиз, чунки, бизнинг мақсадимиз тинчлик, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, ҳамкорликдан, яъни барча мамлакатлар халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган наразлардан иборат.

Леонид Ильич Брежневнинг шу йил май ойи бошларида Германия Федератив Республикасига қилган визити халқаро турмушнинг энг муҳим воқеаси, партия XXV съездининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўлини амалга оширишга қўйилган катта ҳисса бўлди. Леонид Ильичнинг ГФРдаги музокаралари бизнинг шу мамлакат билан жуда мураккаб ривожланиш йўлидан ўтган муносабатларимиз Европада ва умуман халқаро майдонда стабиллик ҳамда ҳаши қўшничилик омили бўлиб қолаётганлигини кўрсатиб турибди.

Тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик учун кураша катта муваффақиятларга эришилди. Аввало, жаҳон уруши хавфини орқага суришга, тинч-тотув яшаш сиёсатини мустаҳкамлашга муваффақ бўлинди. Айни шуни биз тинчлик ва тараққиёт кучлари билан реакция кучлари ўртасидаги курашнинг бош натижаси деб, тинчликсевар ташқи сиёсатимизнинг бош ютуғи деб биламиз.

Пировардида ўртоқ А. Н. Косигин СССР Олий Совети Президиумининг Костромани Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис қатнашчиларининг давомли қарсаклари остида ватанимиз юксак мукофотини шаҳар байроғига қадаб қўйди.

Ўртоқ А. Н. Косигиннинг нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

* * *

Мажлисда нутқ сўзлаган Кострома шаҳар ижроия комитетининг раиси Б. А. Шиховцев, КПСС Кострома шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. С. Тихомиров, В. И. Ленин номли машинасозлик заводининг токарь-револьверчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Плетнева, 1918 йилдан КПСС аъзоси А. А. Селезнёв, «Костромской» совхозининг машина билан суғориш операторн Г. В. Амрахова, КПСС Кострома область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Баландин ва бошқалар костромаликларнинг меҳнат ва революцион хизматларига юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, шахсан Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

Улар шаҳар ва область меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, ўниичи беш йиллик топшириқларини тўла ва оширib бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, социалистик Ватаннинг бундан буён ҳам равнақ топишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ваъда бердилар. Нутқларда шу нарса таъкидландики, барча совет кишилари каби область меҳнаткашлари ҳам КПСС ленинчи Марказий Комитети, атоқли сиёсий ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни яқдиллик билан маъқуллаб, тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар.

Тантанали мажлис иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШ КЕРАК

Бу йил юз берган ҳодиса якин йиллар давомида бўлмаган эди. Бутун май ойида ҳаво айниб, тез-тез ёмғир ёғиб турди, кун исимади, чигит ер намига бир текис ундириб олинган бўлса ҳам ғўза яхши ривожланмади. Ўтган йили 30 майгача барча майдондаги ғўзамиз бир текис шоналаган эди. Бу йил эса эндигина у ер — бу ерда ғўза шоналай бошлади.

Унинчи беш йилликнинг учинчи йилида колхозимиз меҳнаткашлари 1464 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 ўрнига 40 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганлар. Бу ўтган йили олинган ҳосилдан 3,7 центнер кўп. Эл олдида сўз бериб, уни уддасидан чиқмаслик уят ва ҳунук иш. Шунинг учун ўз сўзига вафодор колхозчиларимиз юз берган об-ҳаво қийинчиликларини енгиш, ғўза ниҳолларини сақлаб қолиш, уни ривожлантириш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Барча майдондаги ғўза икки ярим марта комплекс парвариш қилинди, яганадан чиқарилди, ёввойи ўтлардан тозаланди. Ёғингарчиликдан кейин бир неча марта қатқалоққа қарши курашилди. Ғўзага мадор бўлар, деб ҳар гектар ерга экиш вақтидагидан ташқари 150 килограммдан селитра, 200 килограммдан аммофос солиб, ғўза озиқлантирилди.

Ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилиб, ерни қиздиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир культиваторда 36—38 тадан иш органи бўлиши таъминланди. Культиваторларнинг қамров кенглиги 90 сантиметрли эгатларда 70—75 сантиметр, 60 сантиметрли схемадаги эгатларда 40—45 сантиметр бўлиши таъминланди. Культивация ўтказилаётган пайкалларда ёввойи ўт кўп бўлса культиваторларга ККО юмшатгич ва пичоқ ўрнатиб ишлатилди.

Ғўза парваришн бўйича бригадалараро социалистик мусобақа кучайтирилди. Ишнинг бажарилишига қараб далаларга биринчи, иккинчи ва учинчи даражали сифат белгиси берилади ва бригада аъзолари модий рағбатлантириб турилади. Абдуҳаким Рихсибоев бошлиқ бригада ғўза парваришини аъло даражада бажаргани учун унинг даласига биринчи даражали сифат белгиси берилди. Акрам Нишонбоев, Боймирза Шоҳрамов, бошлиқ бригадалар иккинчи, учинчи ўринни эгаллашди.

Ғўзани сифатли культивация қилишда Нормат Исҳоқов, Нишонбой Йўлдошев, Раҳматилла Темиров, Бахтиёр Рихсибоев сингари механизаторларимиз, айниқса, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхозимиздаги барча майдонларда ғўза яганаси тамом бўлган. Хўжаликнинг турли соҳаларида 1757 киши ишлаб турипти. Шундан 1400 киши ғўза, канол, маккажўхори, сабзавот ва бошқа экинларнинг парвариши билан банд. Колхозчиларимиз 18 ўрнига давлатга 25 тонна пилла сотиб, бу соҳадаги планни ошиғи билан адо этдилар.

Бу йил ҳаво паст келганидан ҳашарот ҳам кўп бўлди. Ҳашаротга қарши курашда энтомологларимиз, механизаторларимиз жонбозлик кўрсатиб хизмат қилдилар. Далаларда 3 та ОВС, 20 та ПГС ишлатилди.

Зарур жойларга: айниқса, қир ерларга сув тараш ҳам бошлаб юборилди. Ҳозир далаларимизда 120 киши сувчилик қиляпти, Назира Жалилова, Қуддиниса Болтабоева, Умар Нишоналиев, Абдумалик Нишонбоев, Абдуғани Жўраев, Эргаш Усмонов, Шокарим Фозилов сингари тажрибали сувчиларимиз ғўзага югуртириб, енгил сув тарамоқдалар.

Гап шу ерга етганда Ленин номли колхоз раиси Нишонали Амезов ва бош агроном Жамил Тўйчиев билан қилаётган суҳбатимиз бўлинди. Колхоз секретари келиб Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари Акром Пўлатович Алимов 17-бригада дала шийпонига етиб боришни тайинлаганини айтди. У ерга тажрибали, кекса пахтакорлар келишармиш, деди.

ТАЖРИБАКОРЛАР ДАВРАСИДА

Ана дала йўллари. Бир пайкалдаги ҳийла бўй чўзиб қолган ғўзани кўрган кишининг дили яйрайди. Бундай пайкаллар деҳқонларни қувонтириб, ҳавасига-ҳавас қўшмоқда. Уларга катта умид бағишламоқда.

— Кўчат қанча, — сўрадик раисдан.

— Ўрта ҳисобда колхоз бўйича гектарида 120 минг туп кўчат бор.

Ўн еттинчи бригаданинг дала шийпони бир зумда гавжум бўлиб кетди. У ерга Янгийўл районининг пастки ва қир зонасидаги колхоз далаларини айланиб, кўриб келган пахтакорлар йиғилган эди. Улар орасида «Коммунизм» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирахмад Юсупов, Ленин номли колхоздан Нормирза ота Эшов, «Интернационал» колхозидан Садин ота Муродов, Назарали Ниёзов номли колхоздан Акбарали Султонов, «Ленинизм» колхозидан Анорқул ота Абдуллаев ва бошқалар бор эди.

Колхоз ветеранлари, тажрибали деҳқонлар бир оғиздан далаларни кўриб олган таассуротларини айта бошладилар. Улар мўл ҳосил учун тўла замин бор, кўчат текис, дедилар. Сўнгра улар бу йилги об-ҳавонинг паст келгани, куннинг исимаётганлиги туфайли ғўза 30 майгача 80 градус иссиқликни кам олганини айтиб, ўсимликни ривожлантириш, ғўзани одатдаги йиллардаги даражага етказиб олиш учун нималар қилиш, қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини айта бошладилар.

— Менимча июнь ойини ғўза парваришида зарбдор ой деб эълон қилиш, шу ойда янада астойдил ишлаш керак. Кўчат яхши, текис, уни жонлантириш, яхши ривожлантириш меҳнатга боғлиқ. Ҳавога қараб турган билан иш битмайди. Биз кўриб келган колхозларда ҳамма қилинаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Ғўза яганаси чала қилинган жойлар бор. Бир пайкал сув талаб бўлиб, турган бўлса, баъзи пайкаллар сув кўпишини талаб қилмайди. Менимча ҳар бир эгат бўйлаб сувни енгил тараш зарур, дейди Мирахмад Юсупов.

Унинг сўзини Нормирза ота илиб кетди.

— Мирахмад ҳақ гапни айтяпти. Ғўзани бўлдирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам сув. Шунинг учун сув қўйишни тезлаштириш керак. Баъзи бир жойлар ҳали сув қўйишга етилмаган. Ана шундай жойлар ҳам то тайёргарлик кўрилгунга қадар етилиб қолади. Ҳозир сувни енгил, ўз тилимиз билан айтганда ола кесак қилиб тараш зарур. Бизда ҳар хил ерлар бор. Айниқса, қия ерларга сув тарашда эҳтиёт бўлиш зарур. Бундай пайкаллар эгаклатиб суғорилмаслиги керак. Нам пастга, ерга ўзи етиб бораверади. Агар эгаклатиб суғорилса, паст ерларда сув кўплаб, ғўзани касал қилади.

Нормат отадан кейин Акбарали Султонов суҳбатни давом эттирди.


— Гап ҳозир сув тараш тўғрисида кетяпти. Ҳар бир ишни фойдали ва зиёнли томонлари бўлади. Шуни ўйлаб иш қилиш зарур. Сув кўпиш зарур экан, деб ҳамма ерга бераверади сув қўяверишга керакмас. Районимизда қир, суваталаб ва тўқайлик, ер ости сувлари яқин ерлар бор. Қир ердаги ғўзаларга сув ёқса, тўқай ерлардаги ғўзага ҳозир сув ёқмайди. Ўзи зах. Умуман, сув ҳозир ғўза томирини ювади. Ўғитни ўсимлик баданига яхши сингдиради. Шунинг учун колхоз мутахассислари, бригада бошлиқлари, сувчилар ҳар ернинг шароитини тўғри ҳисобга олиб, иш қилишлари лозим. Сўнгра экиш билан бирга ўғит солинмаган ерларга культивация қилиш билан бир вақтда ўғит солиш зарур. Ҳозирги даладаги ғўза ҳар хил. Тупроқни қиздириш керак. Айниқса, суғорилгандан кейин шу пайкаллада дарҳол очар очиш зарур.

Тажрибали деҳқонлар яна бир талай фойдали маслаҳатларни ўртага ташладилар. Ҳар нинг сифатли бажарилишига эришиш зарурлигини таъкидладилар.

Баъзи жойларда озиқлантиришга яхши эътибор берилмаётганини, Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда ўғит ер бетига ташланиб кетилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Айрим колхозларда тракторларнинг иш органлари яхши ўрнатилмаган. Тажриба ақорлар калий ўғитидан гектарига 150 килограммдан берилишини тавсия қилдилар. Районда шланг билан эгат ораларига маҳаллий ўғит солаётган 12 та мослама бор экан. Отахонлар шу мослама ва СУЗ билан маҳаллий ўғит солишни, айниқса, кам қувват, пачақ ерларга товуқ гўнгидан шарбат қилиб оқизиш зарурлигини ўқтирибдилар.

Даладаги бу суҳбат жуда мароқли ва фойдали бўлди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Бўка районидаги «Кўкорол» совхозида ғўза парваришн уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бешинчи бўлим механизатори Сафар Асқаров ўз агрегати билан ҳар куни 10 гектар майдонда ғўза қатор ораларига ишлов бераётир. Суратда: механизатор С. Асқаров.

И. Зайнитдинов фотоси.

СИФАТГА ЭЪТИБОР

Пойтахтимиздаги кўн-галантерея фабрикаси коллективи зарбдор йилда ҳар қачонгидан кўра салмоқли меҳнат ютуқларини қўлга киритиш учун барча резервларни ишга солмоқда.

Корхонада шахсий беш йиллик топшириқларини 3,5—4 йилда бажариш мажбуриятини олиб ишлаётган илғорлар анчагина. Бичувчи М. Исоқова, пайвандчи Е. Донская, тикувчи Е. Антипиналар шулар жумласидандир. Бу пешқадамлар эммага олинган юксак мажбуриятни ўз вақтида бажариш учун смена топшириқларини муntазам равишда 140—150 процентга етказиб адо этишмоқда.

Фабрикада маҳсулот сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилаяпти. Шу йилнинг биринчи кварталида «дипломант» портфели, ёшлар камарлари, аёллар сумкачилари каби буюмлар Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди. Квартал мобайнида фахрий беш қирра билан пландаги 227 минг сўмлик ўрнига 233 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси.

ДЕЛЕГАТ ЁШЛАР ТАШАББУСИ

ПОЙТАХТ областимизнинг комсомол ёшлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб, КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Минглаб йигит ва қизлар область комсомол комитети йўлланмаси билан замонамизнинг гигант қурилиши — Байкал-Амур магистралида, РСФСР-нинг ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда ва бошқа йирик объектларда комсомолчасига ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Шунингдек, республикамиздаги қатор комсомол зарбдор қурилишларида Тошкент комсомолларини учратиш мумкин. Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводининг электр қуввати билан пўлат эритиш комплексини бунёд этаётган юзлаб комсомолларнинг фаолиятк алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ана шу зарбдор ёшларнинг барчаси бу йил Гаванада бўладиган Бутунжаҳон ёшлар ва студентларнинг XI фестивалига катта тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, область комсомол комитетига ВЛКСМ XVIII съезди делегатларидан бир группаси ташриф буюришди. Улар бу ерга ўзларининг ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан келган эдилар. Яъни, XI Бутунжаҳон фестивалига катта меҳнат муваффақиятлари билан борши учун зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар ва мана шундай зарбдор меҳнат қилишга областимиздаги барча комсомол ёшларни даъват этмоқдалар.

Ташаббускорлар 24 июнда фестиваль шарафига ўтказиладиган комсомол шанбалигида бир ярим-икки норма иш бажариш юзасидан зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар ва аниқ иш планларини ишлаб чиқишди.

— Мен комсомол шанбалигида 280 литр сут соғиб олишга сўз бераман, — деди Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг сут соғувчиси Уктамой Каримова. — Бу ҳар кунги нормадан анча кўпдир. ВЛКСМнинг 60 йиллиги нишонладиган, Бутунжаҳон ёшлар ва студентларнинг фестивали ўтказиладиган зарбдор йилда пландаги 3 минг 700 килограмм ўрнига 4 минг 700 килограмм сут соғиб бериш мажбуриятини олганман.

Уктамой Каримова областимизнинг машъал соғувчиларидан. Унинг фидокорона ишлари «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланган. Шунингдек, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш илғорига» нишони, Бутунittифоқ Касаба союзлари комитетининг «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан мукофотланган. Бу йил КПСС аъзолигига ўтган, район советининг депутати Ў. Каримова фермадаги комсомолларнинг сардори ҳамдир.

Юрий Родионов ҳам ВЛКСМ XVIII съездида иштирок этиш шарафига муяссар бўлган комсомоллардан. У «Средазэлектроаппарат» бирлашмасига қарашли электр аппаратларн заводида ишлайди. Корхонада илғор монтажчи сифатида, ташаббускор комсомол сифатида ҳурмат-эътибор қозанган. Ю. Родионовнинг кўлидан чиқаётган электр подстанцияларининг шчитлари, бошқарув пультларининг турли ускуналари фақат аъло сифат билан баҳоланади. У икки марта ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Беш йилликнинг ёш гвардиячиси» нишони билан тақдирланган. Ҳар ойда пландаги ўнта ўрнига 15—18 тадан шчит тайёрлаб беряпти. ВЛКСМ 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олди.

Делегат дўстлари олдида сўзга чиққан Мақсуда Қўлдошева комсомол шанбалигида ўз қароғиғидаги 18 та сигирдан 240 килограмм сут соғиб олишга ваъда берди. Зарбдор йил давомида у пландаги 4,5 минг килограмм ўрнига 5.100 килограмм сут топшириш мажбуриятини олган.

М. Қўлдошева 5 йилдан буён Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозида сут соғувчи касбида ишлаб келмоқда. Мақсуда тез орада илғорлар қаторидан ўрин олди. Натижада қисқа муддат ичида ҳукумат мукофотларини олишга ҳам улгурди. Ҳозир у III даражали Меҳнат Шуҳрати орденининг кавалери. Шунингдек, ВЛКСМ Марказий Комитети ва ВЦСПСнинг турли нишонлари билан тақдирланган. 1975 йилда эса ниҳоят юқори кўрсаткичга эришиб, Бутунittифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари Кўргазмасининг бронза медалини олишга муваффақ бўлди.

— Мен пойтахтимиздаги иккинчи пойафзал фабрикасида комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғиман, — деди Надежда Кучерова, — бригадамизда олти киши меҳнат қиладн. Ҳар сменада 480 жуфт бичиқ тайёрлаймиз. Бу нормадагидан анча кўпдир. Биз бригадамиз аъзолари билан масъалаташиб, комсомол шанбалигида икки норма иш бажариш мажбуриятини олдик.

Н. Кучерова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси корхонада илғорлар сифатида танилган.

Абдурашид Ғаниев ВЛКСМ XVIII съездига Чилонзор район комсомол ёшлари номидан қатнашган эди. У заргарлик заводида 10 йилдан буён ишлаб келяпти. Қимматбаҳо металлар цехининг 12 кишилик комсомол-ёшлар бригадасида бошлиқ бўлган бу йигит смена топшириқларини мунтазам равишда икки баравардан ошириб адо этмоқда. Меҳнат қилган ҳурмат топади. Абдурашиднинг сидқидилдан ишлашлари турли мукофотлар билан тақдирланган.

Область комсомол комитетига ташриф буюрган ВЛКСМ XVIII съездининг делегатлари — «Миконд» заводи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Муқаддас Исаева, Ангрендаги «Ўзбекшахтострой» трестининг пардозловчиси Нина Зайцева, Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр саноат бирлашмасининг ишчиси Малика Бадалбоева, Янгийўл кондитер ачитқи бирлашмасининг аппаратчиси Людмила Кондратьева ва бошқалар ҳам фестиваль шарафига ўтказиладиган комсомол шанбалигида ҳар қачонгидан самаралироқ ва сифатлироқ ишлашга аҳд қилдилар.

ВЛКСМ XVIII съездининг делегатлари бўлмиш зарбдор комсомол ёшлар пойтахт областимизнинг барча комсомолларини шанбаликда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундовчи мурожаатнома қабул қилдилар.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Идорада ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма далада. Экинлар парваришида кўплаб ҳашак камғаришга ёрдам бериш билан банд. Айниқса маккажўхоризорда иш қизғин. Механизаторлар культивация қилишяпти. Умриниса Тўхтаева, Мукаррам Жумапова, Қолдиқиз Бекжонова кабн азаматлар баракали меҳнат қилишиб, кундалик топшириқни оширнб бажаришяпти. Ҳисобчи Эшимбой Отаевнинг ҳам тиними йўқ. Ҳар бир ишнинг сифатли бўлишига эътибор бермоқда. Шу боисдан ҳам маккажўхоризорда бегона ўтлар йўқ. 12 гектар ердаги экиннинг ҳаммаси 3 марта комплекс ишловдан чиқарилди. Кўчатлар бегубор ўсаётир. Яқин кунлар ичида қийғос ҳосилга кирди.

Ариқ четида тўхтаб турган тракторнинг иччи органларини бирма-бир кўздан кечираётган бош агроном Шокиржон Болтаҳонов бундай деди:

— Кўчатларга яхши ишлов берляпмиз. Ягана вақтида ўтказилиб, нимжонларини олиб ташладик. Кўчатлар ҳар гектарда ўтган йилдагига нисбатан 5—7 мингтдан кўп.

Агроном ён дафтарини олиб яна нималарнидир ҳисобладн.

— Ҳар тупда 2—3 тадан сўта етиштириш айни муддаомиз. Бунга эришсак ҳар тун ўсимликдан камида 200 граммдан дон олинади. Биз шуни ҳисобга олиб гектаридан 150 центнердан маккажўхори дони етиштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Маккажўхори дони энг шарали озуқа ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ишчилар ҳар йили дон етиштиришни кўпайтиришмоқда. 1976 йили ҳар гектар ердан 70 центнердан маккажўхори дони олинган эди. Ўтган йили ҳосилдорлик 110 центнерданга тўғри келди.

Бу ерда донинг бир граммини ҳам нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Маккажўхори етилиб пишгач дарҳол қуритилиб машиналар ёрдами билан ажратиб олинади. Кейин эса бошқа донлар билан аралаштирилади.

Бу йил ҳам «дала малинаси» агротехника талабларига мувофиқ парвариш қилинаяпти. Кўплаб маҳаллий ва минерал ўғит солинди. Шарбат суви оқизиляпти. Суғориш, культивация қилишда узилишликка йўл қўйилмаяпти. Хўжаликда бошқа экинлар ҳам қалб ҳарорати билан парвариш қилинаётганлиги туфайли мўл ҳосил тўпланяпти.

Хўжаликнинг 455 гектар бедазори бор. Эски бедапоялар янгилари билан бир вақтда парвариш қилинмоқда. Шу туфайли мавсумда 4—5 мартадан беда ўриб олинмоқда. Ишчилар молларни кўк беда билан боқишни яхши йўлга қўйишган. Ўрилган беда майдаланиб охирларга тақсимланиб турибди. Қишловга ҳам тайёргарлик кучайиб кетган. Бу йил биринчи ўримга барвақт тушилди. Сенаж бостирилиш юзасидан берилган топшириқ ортиғи билан бажарилди.

Хўжалик аъзолари ўртасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1978 йилда ем-ҳашак етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳокама қилингач, чорвадорларнинг меҳнатга бўлган масъулияти яна ҳам ортиб кетди. Улар барча ички резервлардан тўла фойдаланиш ва бир йилда икки йиллик озуқа тўплаш, юзасидан ўз зиммаларига янги мажбурият олдилар. Ҳозир беда ўриш, дағал хашак тайёрлаш ишлари яна ҳам кучайиб кетди. Эски бедаларни иккинчи марта ўрнига киришилди. Николай Крилов, Тожиқул Айнбетов, Абдиҳаким Ўтаганов, Эсоналн Аҳмедов, Тўхтамурод Жўрабоев ўртоқларнинг баракали меҳнат қилишлари туфайли кунига 250—300 тоннага яқин кўк беда ўрилмоқда. Уларнинг бир қисми молларга берилиб, бир қисми эса қуритилиб ғарамлаб қўйилаётир.

Ўтган йили хўжаликда 1500 тоннадан ортиқроқ хашак тайёрланган эди. Бу йил эса улар 4000 тоннага етказиб озуқа жамғарамиз дейишяпти. Силосбоп озуқа етиштириш, ўт уни, дағал хашак тайёрлаш соҳасида ҳам диққат эътиборга сазовор ишлар қилиняпти.

Молхоналарни қайта ремонт қилиш, қишловга тахт қилиб қўйиш мақсадида қурувчилар бригадаси ишлаб турибди.

База маъмурияти хашак тўпланда, экинларни парвариш қилишда ва бошқа зарур ишларни амалга оширишда фаол қатнашаётган ишчилар, мутахассислар учун ғамхўрлик қилишни кучайтирган. Ҳар куни бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Мусобақа шартларини ошиғи билан бажараётган механизаторлар, токарлар, шофёрлар, сувчилар, ўроқчилар моддий ва маънавий томондан рағбатлантирилмоқда.

Ўрта Чирчиқ районидаги колхозлараро бўрдоқичилик базасининг Тўхта Ҳолжўжаев бошлиқ бригадаси ишчилари моллар боқувини кундан-кунга яхшиламоқдалар. Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришяпти. Бир центнер тўшт етиштиришга 7, 8 озуқа бирлиги сарфланмоқда. Бу пландаги ҳаражатга нисбатан анча кам. Улар ҳар бир қора молнинг 400 килограммдан ошириб семиришини таъминлаганликлари туфайли 3 ой ичида 137 тонна гўшт топширишди.

Базани ихтисослаштириш юзасидан бир қанча тадбирлар кўриляпти. Бу соҳадаги дастлабки иш анча қувончли бўлди. Зоотехник Яхшилик Усмонов бошлиқ бригада энди нуқул насилли моллар етиштириш билан шуғулланяпти. Колхоз фермаларидан 20 кунлик бузоқлар келтирилиб боқилади. Ғунажинлар яна хўжаликларга қайтариб берилади. Бу эса районда насилли, серсут сигирларнинг кўпайишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ҳозир 200 бош бузоқ боқиляпти. Йил охиригача уларнинг сони 400 бошга етказилади.

— Биз, дейди база директори Пардабой Узоқбоев хўжаликларга соғлом насилли моллар етиштиришни бундан кейин ҳам кўпайтирамиз. Шу билан бирга базамизни энг арзон гўшт етиштирадиган хўжаликлардан бирига айлантирамиз.

М. ҒОЗИЕВ.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС



ПАРТКОМ секретари ўз хонасига кириб ўтириши билан эшик ғия очилди. Ўрта ёшлардаги аёл киришга рухсат сўраб остонада тўхтади.

— Келинг-келинг, — партком секретари ўрнидан турди.

Ҳамида опа бу гал навбатдаги рационализаторлик таклифининг баъзибир ташкилий масалалари билан кирган эди. Улар корхона бош инженери билан биргаликда бу таклифни атрофлича кўриб чиқишди.

Орадан кўп ўтмай Ҳамида Шоюсупованинг таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди ва у ишлаб чиқариш ҳажмини бирмунча ўстиришга таъсир кўрсатди.

Ҳамида опа эсини танигандан буён шу корхонада меҳнат қилиб келяпти. Бу ерга дастлаб ишга келганида 16 ёшли қизча эди. Уни фабриканинг илғор ишчиси Ҳайри Эгамбердиевага бириктириб қўйишди. Ҳайри опа меҳнатсевар, қизиқувчан бу қизчага ўзининг бой тажрибаси ва маҳорат сирларини эринмай ўргатди.

Мана ҳозир унинг шу ерда, пойтахтдаги бадиий буюмлар фабрикасида меҳнат қилаётганига 36 йил бўлибди. Бу ўтган давр ичида Ҳамида опанинг қўлида қанча-қанча қизлар тикувчилик касбини ўргандилар.

Ҳ. Шоюсупова шахсий беш йиллик топшириғини уч йилда бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда. Бундай юксак мажбуриятни шараф билан адо этиш учун ойлик топшириқларини мунтазам ошириб бежаряпти. Жумладан, ўтган ойда пландаги 364 минг сўмлик ўрнига 377 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

О. ҚАНДАХОРОВ,
ТошДУ студенти.

МЎЪЖИЗА

БИР дона чигит! Шу мўъжазгина уруғ табаррук замин остида ниш уриб, баравж ғўза тупига айланади. Олтин кузакка бориб, бўлиқ кўсаклардан тошиб чиққан лўппи-лўппи пахталар ўзини кўз-кўз қилади.

ПАХТАНИНГ мўъжизаси бу! Аммо, чигитда, қолаверса унинг тўқ магзида қандай ҳикмат бор? Унинг таркибида қандай моддалар сақланади? Албатта, булар мутахассис олимларнинг эътиборидан четда қолгани йўқ. Аксинча, чигит мўъжизасини чуқурроқ очишга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси илмий-текшириш институти лабораториялари ана шундай изланишларнинг йирик марказига айланди. Кимёгар олимлар чигит таркибини аниқлаш устида жиддий иш олиб бормоқдалар.

— Пахта уруғчилигининг тадқиқот қамрови кенг, — дейди техника фанлари доктори А. И. Глушенкова. — Бу эса мавзуга ижодий муносабатда бўлиш, унинг сир-асрорларини атрофлича очиш учун имконият яратади. Энг муҳими, чигитдан олинадиган турли моддалар халқ хўжалигида ўзига мунсиб ўрин топиши лозим.

Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мана бу сўзларини эслатиб ўтиш жоиздир: «Мамлакатимизда ғоят кўп табиий бойликлар бор. — деб уқтириб ўтди Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқида. — Энди ана шу жуда бой ресурсларнинг ҳаммасидан омилкорлик билан, ишнинг кўзини билиб оқилона фойдаланиш, шу ресурсларни халққа яхши хизмат қилдириш, улардан имкони борича кўпроқ фойда чиқариб олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир».

Ҳозир йилига 3 миллион тоннадан ортиқ пахта уруғи қайта ишланмоқда. Чигитдан кўп миқдорда ўсимлик ёғи, чорва учун турли озуқалар олинмоқда. Унинг таркибида шу каби яна бошқа фойдали компонентлар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Мисолларга мурожаат этайлик. Бир тонна чигитдан қўшимча равишда 60 килограмм озуқа оқсили чиқади. Бу бир. Иккинчидан, 12 килограммдан ортиқ фитин, 4 килограммгача госсипол, 3 килограмм қанд ва бошқа фойдали моддаларни ажратиб олиш мумкин. Эндиликда чигит дори-дармонлар тайёрлаш учун ҳам хом ашё бўлиб хизмат қилмоқда.


Қисқаси, чигитнинг турган-битгани фойда. Шу сабабли ҳам институт олимлари пахта уруғини комплекс қайта ишлашга маҳкам бел боғладилар. Бу муҳим ишга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собир Юнусов раҳбарлигида бир неча тадқиқотчи яқиндан бош қўшди. Самарали изланишлар натижаси ўлароқ алоҳида схема ишлаб чиқилди. Бу эса, чигитнинг кимёвий таркибини атрофлича ўрганиш имконини берди.

Шу билан бирга янги технологик схема айрим кимёвий моддаларнинг қўшимча фойдали томонларини аниқлашга ёрдам беради. Мана бир мисол. Кейинги йилларгача чигитдан олинадиган госсипол моддаси халқ хўжалигида деярли фойдаланилмасди. Ҳозирда химия ва автомобилсозлик саноатида уни қўллаш имкони туғилди. Чунончи, автомобиль шиналарини, резина буюмларини тайёрлашда ундан кенг фойдаланиш мумкин.

Пахта уруғини қайта ишлаш муаммоси бўйича бир неча илмий муассасада тажрибалар олиб борилмоқда. Тошкент Давлат Политехника институтининг ёғ химия-технологияси кафедрасида бу мавзу асосий тадқиқот объекти бўлиб қолди. Кафедра олимларининг куп изланишлари муваффақиятли якунланди.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Ўрта Осиё илмий-текшириш ва лойиҳа-конструкторлик институтида ҳам бу борада анчагина фойдали ишлар қилинди.

А. АЛИЕВ.



МОҲИР УРОЛОГ

Ҳамшираалар бу галги операциянинг мураккаблигиданми, ҳарқалай ҳаяжонда эдилар. Бемор Людмила Павловна эса бошида парвона бўлаётган жарроҳга илтижо билан боқарди.

Жарроҳ ёрдамчиси Елена Андреевнага: «Тез, новокаин! Операцияни бошлаймиз», деди қатъий.

Бемор олдин ўнг буйрагидан операция қилинган эди. Лекин касаллик белгилари чап буйракда ҳам мавжуд бўлиб, врач ва жарроҳлар ўшанда буни пайқашмаган эди.

Ахбор Мақсудович Муҳиддинов беморни синчиклаб текшириб, чап буйракда тош йиғилганлигини аниқлади. У бошқача усулни қўллади: беморга контраст дори (билитраст) ичказиб, буйракдаги оддий снимкада кўринмаган тошларни доридан кейин рентген орқали аниқлашга муваффақ бўлди.

Операцияга киришар экан, у таниқли совет хирурги, СССР Давлат мукофотининг лауреати профессор В. Ф. Войноясенецкийнинг «Беморни операция қилатуриб, ҳеч қачон шуни унутмангки, сизнинг олдингизда инсон тақдири турибди. Унинг севимли оиласи бор, агар сиз операцияда хатога йўл қўйсангиз, у оила етим қолиши мумкин. Шуни унутмангки, улар энг қимматли бўлган ҳаётини сизга ишониб топширишган»... деган сўзларини беихтиёр эслади. Бемор ҳаёти учун олиб борилган «жанг» муваффақиятли тугади. Жарроҳнинг ниҳоятда аниқ ва чаққон ҳаракати ва бой билими туфайли бемор оғир дарддан халос бўлди.

Врач ўзининг бутун ҳаётини халққа ҳалол хизмат қилишга бағишлайди, шахсий манфаатини жамият манфаатларига бўйсундиради. Саъдий Шерозийнинг

«Ўзгалар ғамини чекмаса одам,
Анга нолойиқдир инсон деган ном»

деган фикрини жарроҳ Ахбор Муҳиддинов ҳам чуқур ҳис қилади.

...У ўзининг фидоийлиги билан кўп кишиларни ҳаётга қайтарди. Беморларнинг қувончига шерик бўлди.

Ленинград медицина институтининг даволаш факультетини тамомлаган Ахбор Муҳиддинов 1954—1957 йиллар давомида шу илмий муассасанинг урология кафедраси клиник ординатурасида ўқишни давом эттиради. У уролог мутахассислигини эгаллайди. Ленинграддан қайтиб келгач, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги уни Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина-санитария қисмига ишга юборди. Кейинчалик у урология бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

Мана, жарроҳ-уролог йигирма йилдан буён ўз севган касби, ўзи ташкил этган бўлимда ишлаб, беморларнинг дардига малҳам бўлиб келмоқда. Ахбор Муҳиддинов буйракда тошни аниқлаш методи бўйича қўлланма ёзди. Эндиликда бу усул касалхона ва медицина институтларида кенг қўлланилмоқда. Ленинград санитария-гигиена институтининг урология кафедраси мудири, доцент Н. Путерман Ленинград медицина институти урология кафедраси мудири, профессор А. Гаспарян каби таниқли мутахассислар ёзган рецензияларида бу қўлланмага юқори баҳо бердилар. Ҳа, бир вақтлар оғир касаллик деб аталган буйрак касали эндиликда ўзбек урологи Ахбор Муҳиддинов томонидан амалий ўрганиб чиқилди.

Таниқли жарроҳ доим изланишда. Унинг қўли билан икки мингдан ортиқ операция қилинди. Клиника ва лабораторияларда юзлаб тажрибалар ўтказилди. У шу кунларда «Рентген нурида кўринмаган тошларни аниқлаш» мавзусида диссертация ёқлаш арафасида турибди.

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛИНОТИПИСТ, ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—17 ЁШДАГИ 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ БИЛАН ТАМОМЛАГАНЛАР МОСКВА ВА ЛЬВОВ ПОЛИГРАФИЯ ИНСТИТУТЛАРИГА ЎҚИШГА ЮБОРИЛАДИ.

Билим юртида ўқиган муддат узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Зарурий ҳолларда ётоқхона билан таъмин қилинадилар.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (6, 7, 9, 11, 13-троллейбуслар ва 2, 3, 14, 33, 34, 50, 54 ва 131-автобусларнинг «Волгоград кўчаси» бекати). Телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

(2 бўлимдан иборат катта программа)

БУТУНИТТИФОҚ ЯНГИ ЦИРК АСАРЛАРИ КЎРИГИНИНГ ДИПЛОМАНТИ **ВЛАДИМИР МИНКИН** РАҲБАРЛИГИДАГИ ЯНГИ АТТРАКЦИОН

«ЭКВИЛИБРИСТЛАР»

Программада: халқаро классдаги СССР спорт мастери Владимир СОШИН иштирокида.

«МУЗ УСТИДА ХОККЕЙЧИ АЙИҚЛАР» ВА «ВЕСЕЛЫЙ ПЯТАЧОК» МАСҲАРАБОЗЛАР ГРУППАСИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.00, 16.00, 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади 44-35-84, 44-35-91 телефонлари орқали ҳам заявкалар қабул қилинади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/VI да **Олтин девор**, 8/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

СТУДЕНТЛАР ЁТОҚХОНАСИДА УЧРАШУВ

Тошкент Давлат медицина институти ҳам ўзининг ҳаяшаматли студентлар ётоқхонасига эга. Бу ерда саволжавоб бурчаклари ташкил этилган, турли тўгарак машғулотлари олиб борилади. Устоз олимлар билан учрашувлар мароқли ўтади.

Олий ўқув юрти санитария-гигиена факультети томонидан «Меҳрибон олим изидан борамиз» деган мавзуда яқинда бу ерда ташкил этилган кечага кўп студент қатнашди. Ўша куни таниқли ўзбек микробиолог олими, профессор А. Обидов студентларнинг ҳурматли меҳмони бўлди.

Фаннинг толмас тадқиқотчиси Абдураҳим Обидович ҳам шу севимли олий ўқув юртида таҳсил кўрди. Унинг студентлик йиллари Улуғ Ватан урушининг оғир кунларига тўғри келди. Шундай бўлса ҳам у фанга меҳр қўйиб, ўз устида мустақил ишлаб борди. Аспирантлик йиллари ҳам ортда қолди. У микробиология фани билан боғлиқ муҳим тадқиқотга қўл уриб, кандидатлик диссертациясини ёқлади. Орадан бир неча йил ўтгач, медицина фанлари доктори бўлди.

СССР Медицина фанлари академияси Президиумининг яқинда бўлган йиғилишида у шу академияга мухбир аъзо қилиб сайланди.

Профессор кўп вақтдан бери СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институтига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу орада илмий муассаса кенгайди ва мустаҳкамланди.

Учрашувда ана шулар ҳақида гап борди.

А. АКБАРОВ.

ҲОДИСА

ЙЎЛОВЧИ КОБРА

ШОФЁР Эргаш Жўраев Помир йўлидан борарди. Кутилмаганда кабинада вишиллаган товуш эшитилди. Жўраев ўриндиққа бир назар ташлаб қотиб қолди. Бошини ғоз кўтарган кўзойнакли илон унга томон бақрайиб турарди. Шофёр зудлик билан ўнг қўлини бўшатиб, яшин тезлигида илоннинг бўйнига чанг солди. Кобранинг асирликдан қутилиш учун қилган ҳаракатлари бехуда кетди. Шофёр машинани тўхтатиб, ерда илонни ўлдирди.

Бундай хавфли «йўловчи» кабинага қандай кирди экан? Бу воқеадан сал олдинроқ Жўраев кўл соҳилида машинага сув қуйиш учун тўхтаган эди. Кабинанинг очиқ қолганидан кобра фойдаланганга ўхшайди...

МАҲОРАТ ШАҲОДАТИ

ЁШ ва талантли рассомнинг ижодий тақдири санъатга бирон бир катта янгилик киритиши билан белгиланади. Ҳар бир янгилик эса рассом ижодида янги бир давр, янги бир босқич бошланганидан дарак беради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Робертович Брмнинг ижодий тақдирида ҳам муҳим ўзгаришлар, янги поғоналарга кўтарилишлар рўй бериб турибди. У бунга ўзининг тасвирий санъатга бўлган қизғин эҳтиросли муҳаббати, тинимсиз изланиши ва меҳнати туфайли эришмоқда.

Георгий Брмнинг Ашхобод рассомлик санъати билим юртида, ундан кейин Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўқиши ва ниҳоят, Мари театрида ишлаши, унинг маҳорат чўққисини эгаллашида пиллапоя вазифаларини ўтади.

Брмнинг ижодий иши биринчи марта Мари театри саҳнасида эътироф этилди. «Маҳтумқули», «Мулла Нафас» ва бошқа спектакларга ишланган саҳна безаклари таниқидчилар томонидан юксак баҳоланди. Сўнгра у Тошкентга қайтди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Георгий талабалик кезларидаёқ Тошкент, Кўқон, Мари театрлари билан алоқа боғлаб, саҳна безакларини бажариб турарди. У бир спектакль саҳнасини кўнгилдагидек чиқариш учун юзлаб эскизлар чизар, изланишдан толмас эди. Шу сабабли «Бой ила хизматчи» спектаклининг саҳна жиҳозлари учун чизган туркум эскизлари, костюмлар эскизлари ҳамда портретларига, бундай ҳодиса кам учрайди, студентлик давридаги ишлари учун Рассомлар союзига қабул этилди.

Ун йил муқаддам Брим Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрига чақирилди. У театрга келиши билан драма ва музикали спектакларнинг бир-биридан фарқини, уларнинг йўналиш поғоналарини эгаллаб олди. Машҳур театр рассоми И. Я. Вальденберг маслаҳати билан Брим макетчи-рассомлик санъати сирларини қунт билан ўрганишга киришади. «Шоҳ Эдип», «Аср фожиаси» асарларига яратган биринчи макетларидаёқ, у ўзининг бу соҳада ҳам талантли рассом эканлигини намоён этди.

Шундай қилиб, Брим кундалик, масъулиятли ва ранг-баранг тасвир лойиҳалари оламига ўзини урди. Мана шу узлуксиз изланиш дунёси билан бирга яшади, ижод машаққатларидан толиқмади, олисни кўзлаб иш тутди. Лойиҳа ва эскизларни спектакль саҳнасига, театр ҳаётига кўчириш қанчалик мураккаб бўлмасин, у спектаклдан спектаклга ўсди, янги-янги муваффақиятларни қўлга киритди. Иш давомида орттирган ўз тажрибаларини ижодий изланиш ҳамда маҳорат чархи билан пешлади, тинимсиз юксалтира борди. Албатта, бунинг учун кўп нарсани билиш ва ўрганиш талаб этилади: яратилган жиҳозларни, безакларни саҳнада тиклаш устидан, саҳнадаги ички хоналар расмини ўрнатиш устидан, ёруғлик — саҳнага нур йўналтириш устидан назорат эта билиш ҳам лозим. Бир сўз билан айтганда, театрнинг катта коллективи — актёрлари билан баббаравар хизмат қилган, лекин тамошабинларга кўринмайдиган рассом спектакль сифатини белгилашда катта аҳамиятга эга.

1972 йил апрель ойида СССР халқ артисти Олим Хўжаев Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасини Болгариядаги Иван Димов номли Хасково драма театрида саҳналаштирди. Томошабинлар спектаклни илиқ қарши олишди. Драманинг муваффақият қозонишида юксак ижрочилик маҳоратини кўрсатган актёрлар билан бир қаторда Георгий Брмнинг табиий чиққан саҳна жиҳозлари ҳамда безаклари ҳам катта роль ўйнади.

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Унинг ижодий ишлари тасвирий маданияти билан, нозик уйғунлиги билан, ўзига хос руҳий кўтаринкилиги билан алоҳида ажралиб туради. У ўз ижодий ишларини режиссёр билан узвий ҳамкорлик орқали яратади. Агар режиссёр рассомнинг фикрдоши, маслакдоши бўлса, театр безакчисининг бадиий тафаккури ва ниятини оғиз очган захотиёқ англаб етади. Брим ана шундай ҳамфикр режиссёрлар ҳаракатни очиб бериш учун бутун саҳна жиҳози ва техникаси хизмат қилади.

— «Инқилоб тонги» пьесаси устида Александр Осипович Гинзбург, Олим Хўжаевлар билан бирга ишлашим менда жуда катта ижодий қизиқиш уйғотди — дейди Георгий Робертович Брим, — чунки тажрибали режиссёрлар билан ҳамкорликда ишлаш ҳамиша улкан ижодий мактаб вазифасини ўтайди. Олим Хўжаев Бухорони, унинг тарихини беш қўлдай биларди. У менга ҳаётий деталлар, спектаклнинг чинакам образларини топишда, урф-одатларни тасвирлашда, костюмларни чизишда кўмаклашди. «Инқилоб тонги» спектакли ҳаётимга сингиб кетган Шарқни, ўчмас муҳаббат уйғотган унинг архитектурасини, урф-одатини тасвирлашим учун кенг майдон бўлди. Шахсан ўзим учун «Инқилоб тонги» спектакли — бутун бир ижодий босқичимнинг якуни. Бу спектаклнинг Москвада ҳам муваффақият қозонгани мен учун, ҳаммамиз учун қувончлидир.


Маълумки, Бухородаги революция ҳақидаги спектаклни яратганликлари учун ўтган йили, яъни 1977 йил Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг бир группа санъаткорлари билан бирга Георгий Брим ҳам СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлган эди. Бу унинг маҳорат чўққисини эгаллаётганига гувоҳномадир.

1967 йилдан бошлаб у театр ва кино рассомларининг кўргазмаларида доимий қатнашиб келмоқда. Рассомнинг кўплигина ижодий ишлари музейларга қўйилган. Масалан, Вахрушин номидаги Москва музейида унинг «Шоҳ Эдип» спектаклига ишлаган саҳна безаклари сақланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон санъати музейида ҳам унинг асарлари бор.

Ҳозирги кунларда Георгий Брим «Ромео ва Жульетта» ва бошқа янги спектакллар учун саҳна безакларининг эскизларн устида қизғин иш олиб бормоқда.

Т. ОДИЛБЕКОВ, Э. МУҲАМЕДОВ.





1980 йилда Москвада бўлиб ўтадиган спорт анжуманида ғолиб спортчиларга тақдим этиладиган мукофотлар қандай кўринишда бўлишини спорт мухлислари яхши биладилар. Афинада бўлиб ўтган халқаро олимпия комитетининг 80-сессиясида Москва олимпиадасида тақдим этиладиган медалларнинг эскизи тасдиқланди. Уларнинг ҳар икки томонининг кўриниши газетамизда эълон қилинмоқда. Эскизлар муаллифи москвалик рассом Илья Алексеевич Постолдир.

ТАСС фотохроникаси.

Спорт

СССР КУБОГИ — «ИЗВЕСТИЯ» КУБОГИ УЧУН

Чирчиқ шаҳрида икки кун давомида СССР кубоги — «Известия» кубоги учун енгил атлетикачиларнинг зонал мусобақалари бўлиб ўтди. Республикамиз областлари ва Тошкент шаҳридан келган спортчилар «Сплав» стадиони югуриш йўлкаларида куч синашдилар. Бир қатор турларда эришилган натижалар қубонарли бўлди. Жумладан тошкентлик А. Харлов 100 метрга тўсиқлар оша югуришда 13,8 секунд натижа кўрсатиб, спорт мастери талабини бажарди ва республика рекордини ўрнатди. Пойтахт командасидан яна бир вакил А. Берштейн эришган натижа ҳам қувонарли бўлди. Ядро иргитишда чирчиқлик Г. Скориков 18 метр 92 сантиметр билан ғолиб келди. Аёллар ўртасида бир ярим километрга бўлган беллашувда Бутуниттифоқ мусобақаларини совриндори С. Ўлмасова финиш чизиғини ҳаммадан олдин кесиб ўтди.

100 метрга бўлган югуришда тошкентлик П. Воробьев, 400 метрга бўлган мусобақада эса С. Шаталиналар эришган натижалар анча юқоридир.

Маълумки, СССР кубоги — «Известия» кубоги мусобақалари оммавийлиги билан бошқа мусобақалардан ажралиб туради. Лекин бу сафар бундай бўлмади. Зонал мусобақада Фарғона, Наманган, Хоразм ҳамда Қорақалпоғистон Автоном Республика вакиллари иштирок этмадилар. Республика енгил атлетика федерацияси бундай ҳолга хотима беради деган умиддамиз.

ТОШКЕНТЛИК МЕРГАННИНГ РЕКОРДИ

Италиянинг Монте — Катини шаҳрида стендга отиш бўйича Европа кубоги мусобақаларига якун ясалди. Траншеяли иншоотга отишда ва айлана стендни мўлжалга олишда ўтказилган шахсий беллашувларда совет спортчилари пешқадамлик қилдилар.

Мамлакат терма командаси сафида қатнашган тошкентлик Рустам Ямбулатов италиялик Винченцо Дана билан бир хил натижа кўрсатди. Ҳар иккала мерган 200 имконияткан 197 тадан очко тўплашди. Ғолибни аниқлаш учун қўшимча ўтказилган баҳсда Р. Ямбулатов биронта ҳам хатога йўл қўймади. Унинг рақиби эса уч очко йўқотди.

Айлана стендни мўлжалга олишда ҳам совет мергани Александр Соколов жаҳон рекордини такрорлаб, 199 очко билан ғолиб келди.

Иккала машқ бўйича совет мерганлари бош совринэгаси бўлдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Мультфильмлар. 10.25 — «Истеъдод» (бадиий фильм, 1-серия). 11.35 — «Киноосеаётчилар клуби». 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — «Советлар ва ҳаёт». 16.15 — «Пушкин театри» (биринчи кўрсатув). 17.00 — Москвакларининг ишчи кафолати. 17.30 — Концерт. 18.00 — «Горичлар қаердасиз?» 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.05 — Р. Бобриньева куйлайди. 19.40 — Спортлото. 19.50 — Врач суҳбати. 20.20 «Истеъдод» (бадиий фильм. 2-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 Концерт. 22.30 — Ҳужжатли фильм. 22.45 — Футбол. Бразилия — Испания.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Фильм-концерт. 11.20 — «Жиблажибон армияси ана жангда» (бадиий фильм). 12.40 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — Мультфильм. 18.05 — «Олимпия умидлари». 18.35 — «Миллионлар ленинча университети». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — Лирик концерт. 20.00 «Вола бошидан...» 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Эстрада программаси. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Чорвадор». 22.15 — «Икки дил достони» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Ўқув кўрсатуви. 19.30 — «Отишма» (бадиий ўқиш). 20.00 — Янгиликлар. 20.20 Биология. 20.50 — Реклама. 21.00 — Пойтахт области далаларида. 21.30 — Ўқув кўрсатуви. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI да **Анда**, 9/VI да **Пиновая дама** (билетлар сотилган).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва давлат муз устида цирк артистларининг гастролларн, хоккейчи айиқлар (19.30).**

Кино

7 ИЮНДА

Пароль: «Яшил нилуфар» — Г. ГУЛОМ номли (11, 14, 17, 20.00).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20).

Олтин камар — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

слесарь-монтажчи, слесарь-труба ётқизувчи, монтаж таналамчиси, металлургия заводлари ускуналарининг монтажи бўйича монтажчи, электр-газ пайвандчи, кранчи, автокран машинисти мутахассисликига эга бўлган ёлғиз эркакларни

«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ВА «ПРОМТЕХМОНТАЖ» БОШҚАРМАЛАРИГА ВА 93-НХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИГА ОЛМАЛИҚ, БЕКОВОД, ЧИРЧИҚ ШАҲАРЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли ҳамда 30 процент қўшимча коэффициент тўланади.

Бошқа шаҳарлилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адреслар. Тошкент областининг шаҳарлари ва районларида аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси вакилларига. Тошкент шаҳрида эса Привокзальная кўчаси, 30-уй, Тошкент область ижроия комитетининг меҳнат бўйича бўлимига (телефонлар: 33-81-21, 33-84-84) учрашилсин.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р.-02489. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2421. 1 б.